

## ЎҚУВЧИ ЁШЛАРДА КАСБИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

*Хайдаров Исмоил Оллоқулович*

*Ўзбекистон Республикаси жамоат*

*хавфсизлиги университети доценти, п.ф.н.*

**Annotation:** We will be able to achieve effective results if we guide today's youth to a profession in accordance with their abilities, help them choose the right profession by conducting a comprehensive scientific and practical analysis of their personal characteristics and internal capabilities. It is known that a person's desire for a profession is primarily manifested in his positive attitude towards this type of activity. As a result, this type of activity becomes not only interesting, but also increases productivity, quality and production efficiency. At the same time, under the influence of the positive effects of education, the social environment and labor activity, the existing natural abilities of a person gradually rise to the level of ability and to the next levels.

**Аннотация:** Ҳозирги ёшларни шахс хусусиятлари, ички имкониятларини ҳар-томонлама илмий-амалий таҳлил қилган ҳолда уларни қобилиятига мос ҳолда касб-ҳунарга йўналтирсак, тўғри касб танлашига кўмаклашсак самарали натижага эришишимиз мумкин бўлади. Маълумки шахснинг бирор бир касбга интилиши, авваламбор шу фаолият турига ижобий муносабат билан ёндашишида намоён бўлади. Натижада ўша фаолият тури, қизиқарли бўлиб қолмай, балки иш унумдорлиги ўсиб, ишлаб чиқаришнинг сифати ва самарадорлиги ошиб боради. Шунинг билан биргаликда, таълим-тарбия, ижтимоий муҳит ва меҳнат фаолиятининг ижобий самараси тасирида инсондаги мавжуд табиий берилган лаёқатлар аста-секинлик билан қобилият даражасига ва ундан кейинги поғоналарга кўтарилади.

Маълумки шахснинг бирор бир касбга интилиши, авваламбор шу фаолият турига ижобий муносабат билан ёндашишида намоён бўлади. Натижада ўша фаолият тури, қизиқарли бўлиб қолмай, балки иш унумдорлиги ўсиб, ишлаб чиқаришнинг сифати ва самарадорлиги ошиб боради. Шунинг билан биргаликда, таълим-тарбия, ижтимоий муҳит ва меҳнат фаолиятининг ижобий самараси тасирида инсондаги мавжуд табиий берилган лаёқатлар аста-секинлик билан қобилият даражасига ва ундан кейинги поғоналарга кўтарилади.

Олиб борилган илмий тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатди-ки, лаёқат билан қобилиятни фарқлаш учун биринчи навбатда лаёқатми ёки қобилият деган саволга жавоб топишимиз лозим.

*Қобилиятлар* - шахсдаги шундай индивидуал, турғун сифатларки, улар одамнинг турли хил фаолиятдаги кўрсаткичлари, ютуқлари ва қийинчиликлари сабабларини тушунтириб беради.

*Лаёқатлар* -мудраб ётган қобилиятларнинг қўзғатиб зарур фаолият турини актив бажаришга ундайди”.

Бизга маълумки касб танлаш учун энг қулай ёш бу ўсмир ёшдаги мактаб ўқувчилари ҳисобланади. Чунки ўсмирлар 9 синфни тугатиш арафасида ҳаётнинг мазмунан бир қийин даврига дучор бўлишади. Кўпчилик ўқувчилар шу ёшдан бошлаб маълум бир фаолият турига қизиқиб, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежларидан бирини танлайдилар. “Ким бўлиш, қайирга бориш” муаммоси ўсмир ёшдаги боларани ташвишга солиб қўяди.

Ўсмир ёшдагги кўпчилик болалар, маълум бир фаолият турига бўлган бошланғич лаёқатларини ички имкониятлари билан чамалаб кўриб, ўз ўзини англаган ҳолда, касб танлашади ва шу касблар юзасидан катталардан маслаҳат сўрашади. Яна бир турдаги ўсмир болалар эса, ўзининг кучли ва заиф томонларини англамаганликлари сабабли, маълум бир касбни танлашга қийналишади. Бошқа бир турдаги ўсмирлар эса, психиканинг нотекс ривожланиши оқибатида, ташвишсиз ёшликда қолишаверади.

Ҳозирги ёшларни шахс хусусиятлари, ички имкониятларини ҳар-томонлама илмий-амалий таҳлил қилган ҳолда уларни қобилиятига мос ҳолда касб-ҳунарга йўналтирсак, тўғри касб танлашига кўмаклашсак самарали натижага эришишимиз мумкин бўлади. Бунинг учун биз ўсмир ёшдаги мактаб ўқувчиларида касбга бўлган лаёқатларининг намоён бўлиши ва ривожланишини ҳар томонлама ўрганиш учун тадқиқот методларини тўғри танлашимиз лозим. Ўсмир ёшидаги барча психологик, физиологик ва жисмоний ўсиши ва ривожланиши жараёнининг шиддатли тарзда кечиши ва кескинлигини ҳисобга олинган ҳолда, лаёқатлар ҳам бу ёшда нотекс ривожланиши илмий асосланган.

Агар одам бирор бир предметга яқинлашиб уни эгаллашга ҳаракат қилса ва қўллай билса, мотивлар ижобий муносабат намоён қилади. Агар одам предметдан ўзини олиб қочса, ундан ўзини ҳимоя қилса унда мотивлар салбий муносабат намоён қилади. Демак қобилиятлар маълум бир фаолият турини бажаришга бўлган мойиллик, эҳтиёж сезиш бўлиб, ички хиссиётнинг ижобий муносабати натижасидир. Қобилиятни ривожланиши эса кўп жиҳатдан, ижтимоий муҳитга, таълим тарбияга, табиий индивидуал психологик хусусиятларига боғлиқ.

Юқорида келтирилган фактларга асосланган ҳолда, ўсмир ёшдаги мактаб ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш ишларини психологик жиҳатдан тўғри ташкил қилиш ўқувчиларни қобилиятларини шакллантиришда бош омили ҳисобланади. Бунининг учун таълим муассасаларида қуйдаги ишларни амалга ошириш талаб этилади:

1. Ўқувчиларнинг маълум бир фаолият турига бўлган қизиқишини ўстириш орқали қобилиятларни ҳар доим ва ҳар қандай шароитда шакллантириш мумкин.
2. Ўсмир ёшдаги болаларнинг қобилиятлари ривожланиши фақат индивидуал типологик хусусиятларига боғлиқ бўлмай, балки эҳтиёж ва мотивлар бирлиги асосида вужудга келишини аниқлаш.
3. Ўсмир ёшидаги ўқувчилар қобилиятларнинг шакллантириш кўп жиҳатдан улар характер хусусиятларига ва қизиқишларига боғлиқлигига эътибор қаратиш.
4. Ўқувчилардаги маълум бир фаолият турига бўлган қобилиятларнинг тўлиқ ҳолда намаён бўлиши, олий нерв фаолияти билан мотивлари, характер хусусиятлари ва ақлий имкониятларининг мувозанатлашганлигидан дарак беради.

Ўқувчилардаги қобилиятларни шакланганлик даражасини аниқлашда қуйдагиларга эътибор қаратиш лозим:

- Ўсмир ёшларда қобилиятларнинг пайдо бўлишидаги табиий ва ижтимоий тасирини аниқлаш.
- Қобилиятларни эҳтиёжлар асосида ривожланиш даражасини кўрсатиш.
- Қобилиятларни шакллантиришда лаёқатларнинг роли ва боғлиқлигини аниқлаш.
- Қобилиятларни шаклланиши, шахснинг характерига ва индивидуал психологик хусусиятларига боғлиқлигини кўрсатиш.
- Қобилиятлар ақлий имкониятларнинг намаён бўлиши асосида вужудга келишини кўрсатиш.

#### **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Андреева Г.М. Социальная психология.-М.: 1999.-
2. Ғозиев Э.Ғ. У мумий психология.. Т. Ўқитувчи. 2010 й.
3. Каримова В. М. «Психология» Т.Шарқ 2002й.
4. Б.Р.Қадиров Способности и склонности (Исследования природных предпосылок) Ташкент изд. «ФАН» 1990г.
5. Б.Р.Қадиров, Изучение психофизиологических предпосылок склонностей. Вопросы психологии, №2 1989г. Стр.114-120
6. Б.М.Теплов, «Избранные труды » Способности и одаренность (в кин: «проблемы индивидуальных различий» М. из.АПН РСФСР 1961г ст.9-39